

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факултети
«5140900-Касб таълими (ветеринария)» йўналиши

ХУДОЯРОВА ГУЛРУЗ МАШРАФОВНА

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**«Ярлақобов фермер хўжалигида урчитилаётган бузоқларни
ўстиришда сунъий сутдан фойдаланиш ва мавзунни ўқитиш услуги»**

Илмий рахбар, қ.х-ф.н., ассистент

Яхяев Б.С.

Ветеринария, зоотехния ва
қоракўлчилик факултети
декани, доцент _____
Н.О.Фарманов
« ____ » _____ 2011 йил

“Яйлов чорвачилиги ва ҳайвонларни
озиклантириш технологияси» кафедраси”
кафедраси мудири, доцент _____
Қ. Хайдаров
« ____ » _____ 2011 йил
№ _____ - сонли йиғилиш баёни

М У Н Д А Р И Ж А

I. Кириш	3
1.1. Мавзунинг халқ хўжалигидаги долзарблиги	3
1.2. Мавзунинг илмий-амалий аҳамияти	6
II. Илмий адабиётлар таҳлили ва ўрганилганлик даражаси	8
III. Хўжалик иш фаолиятининг таҳлили	23
IV. Мавзу бўйича муаммоларнинг қўйилиши, қўлланилган услубиётлар	
V. Мавзунинг ечими ва матнда ёритилиши	28
5.1. Бузоқларни озиклантириш схемалари.....	30
5.2. Бузоқларнинг ўсиш суръати.....	31
5.3. Бузоқларни ўстириш учун сарф бўлган озуқалар	33
VI. Қўйилган муаммоларни ечишдан кутилаётган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш, аниқлаш ва асослаш	36
VII. Ветеринария ишини ташкил этиш	38
VIII. Мавзунинг ўқитиш услуби	40
IX. Экологик муаммоларнинг ёритилиши ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	47
X. Хулосалар	50
XI. Ишлаб чиқаришга бериладиган тавсиялар ва таклифлар	51
XII. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	52
XIII. Интернет маълумотлари	54

I. КИРИШ.

1.1. Мавзунинг халқ хўжалигидаги долзарблиги.

Республикамизда чорвачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаларидан бири бўлиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим ўрин тутди. Шунини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чорвачилик соҳасини ривожлантириш бўйича муҳим қарорларнинг қабул қилиниши ва чорвачиликни ривожлантириш ҳукумат Дастурлари асосида олиб борилаётганлиги туфайли соҳада чорва моллари сонининг кўпайиши, уларнинг насдорлик ва маҳсулдорлик сифатлари ортиши пировардида истеъмол бозорида чорва маҳсулотларининг нархлари барқарорлиги сақланиб, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланмоқда.

Чорвачилик соҳаси ривожини халқимиз дастурхонига оқсилга бой озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, саноатимизни хом-ашё билан таъминлаш, ўғит билан еримизни бойитиш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш каби ижтимоий-иқтисодий масаларни ечиш учун мустаҳкам асос бўлмоқда.

Юртимизда аграр соҳанинг қорамолчилик тармоғи бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган иқтисодий ислохотлар изчил билан амалга оширилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 23 мартда қабул қилинган 308-сонли ҳамда «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган 842-сонли қарорлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009-2011 йилларда

Чорвачиликни ривожлантириш, қорамоллар бош сонини ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Тармоқда ўтказилган иқтисодий ислохотлар натижасида бозор муносабатларига асосланган янги тизим шаклланаётган хўжалик юритиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини тубдан ўзгартириб, пировардида мулкчиликнинг турли шаклларида чорвачилик хўжаликларининг рақобатчилик асосида фаолият олиб боришнинг таъминлайди.

Республикада чорвачилик соҳасини ривожлантириш асосан уч йўналишда амалга оширилаётганлигини кузатиш мумкин:

1. Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтириш мақсадида қорамол сотиб олиш учун микрокредитлар бериш, турли ташкилотлар қошида қорамолчилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш;

2. Чорвачиликда наслчилик ишларини яхшилаш мақсадида четдан насли моллар келтириш, сунъий уруғлантиришни қамраб олиш даражасини ошириш, зооветеринария пунктлари сонини кўпайтириш орқали сервис хизматларини янада кенгайтириш;

3. Озуқа базасини яхшилаш учун мавжуд бўлган озуқа экинлари майдонларидан унумли фойдаланиш. Аҳоли ва фермер хўжаликларига омехта ем, шрот ва шелуха маҳсулотларини ташкил этиш махсус шахобчалар орқали етказиб беришдан иборат.

Ушбу ишлар самараси ўлароқ, биринчидан – республикада қорамоллар сони 8,5 млн. бош бўлиб, охириги 5 йилда 2,6 млн. бошга ёки 45 % га кўпайди. Шундан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларда 2,2 млн. бошга ёки 38 % га, фермер хўжаликларда 200 минг бошга ёки 62 % га ортди.

Кўй ва эчилар сони 14,4 млн. бош бўлиб, шу йиллар давомида 4,5 млн. бошга ёки 45 % га, шундан аҳоли ва деҳқон хўжаликларда 3,6 млн. бошга ёки 65 % га, фермер хўжаликларда 678 минг бошга ёки 35 % га кўпайди.

Паррандалар бош сони 33 млн. бошни ташкил этиб, 14,2 млн. бошга ёки 1,7 марта, шундан аҳоли ва деҳқон хўжаликларда 8,4 млн. бошга ёки 1,6 марта, фермер хўжаликларда 2,7 млн. ёки 4,3 мартда ортди.

Иккинчидан, зооветеринария сервис хизматларини кенгайтириш мақсадида 791 та пункт ташкил этилиб, уларнинг сони 2443 тага етказилди. Шу йиллар давомида пуллик хизмат кўрсатиш даражаси 6 баробарга ошди. Сигир ва таналарни сунъий уруғлантириш эса 10 баробарга кўпайди.

Республикамиз чорвачилигини ветеринария мақсадлари учун ишлатиладиган дори дармонлар билан таъминлаш ишларини 670 фирма ва хусусий ветеринария аптекалари бажармоқда. Улар томонидан 2009 йилда 740 дан ортик, жами 3,5 млрд. сўмлик ветеринарии дори дармонлари сотилган.

Бундан ташқари Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 20 апрелдаги «Молларнинг карантин қилинадиган ва ўта хавфли касалликларнинг олдини олиш ва тугатиш чора-тадбирлари бюджетдан маблағ билан таъминланадиган рўйхатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 119-Ф сонли фармойишига мувофиқ бюджетнинг 5,4 млрд. сўм миқдорига тенг ажратмалари ҳисобидан 25 тур вакцина, диагностикаумлар ва бошқа ветеринария препаратлари келтирилган.

Учинчидан, аҳоли қарамоғидаги чорва моллари сонини қупайтириш ва аҳоли бандлиги ошириш мақсадида сўнгги 4 йилда қорамолларни сотиб олиш учун 125,6 млрд. сўм миқдоридан микрокредитлар ажратилди.

Тўртинчидан, паррандачилик фермер хўжаликлар сони охириги уч йилда 370 тага ошиб, 677 тага етказилди. Ушбу мақсадларда биргина 2009 йилнинг ўзида 18 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган.

Чорвачилик соҳасини тармоқлар бўйича кўриб чиқсак, қорамолчилик тармоғида 2010 йил 1 январ ҳолатига Республикамиз деҳқон хўжаликларида 7919,9 минг бош қорамол, шу жумладан 3338,3 минг бош бўлиб, 1300025 тонна гўшт ва 5573452 тонна сут ишлаб чиқарилди, яъни жами мавжуд қорамолларнинг 93 %, сигирларнинг 94,4 %, ишлаб чиқарилагна гўштнинг 95 % ва сутнинг 96,7 % ушбу хўжаликлар улушига тўғри келмоқда. Кейинги

йилларда бу хўжаликларда қорамоллар бош сони мутасил ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда уларнинг маҳсулдорлигинини ошириш учун сифат жиҳатидан такомиллаштириш, яъни молларнинг ирсий имкониятларини ошириш, наслини яхшилаш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада кейинги 4 йил давомида Республикамизга четдан юқори насл қийматига эга 17 минг бошга яқин насли моллар олиб келинди, бу билан тармоқнинг наслчилик базасини янада мустаҳкамланди. Ушбу олиб келинган молларнинг бош сонини тўлиқ сақлаб қолиш, улар учун мустаҳкам озуқа базасини яратиш ва асраш шароитларини яхшилаш, ҳар бир молдан бир йилага бир бош насли бузук олиш, туган сигирларни сунъий қочириш вазифалари долзарб аҳамият касб этади.

1.2. Мавзунинг илмий-амалий аҳамияти.

Чорва молларнинг ирсий имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришда мустаҳкам озуқа базасини яратиш ва бунда асосий экинларда маккажўхори, беда ва оралиқ экинлардан (арпа, сўли, тритикали, жавдар, озуқабоп нўхат) унумли фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Оралиқ экинларни октябр ойларда экиб, май ойининг учинчи яримида ҳар бир гектардан 300-350 центнердан донли сенаж тайёрлаш мумкин. Гектаридан икки мартоба ҳосил олинганда ҳосилдорлик камида 10-12 тонна озуқа бирлигини ташкил этиши лозим.

Кейинги йилларда озуқабоп экин майдонларида ҳосилдорликнинг пасайиши натижасида чорва молларининг озуқага бўлган талаби қондирилмаяпти ва етарли миқдорда беда пичани, силос, сенаж, озуқабоп лавлаги билан имконияти мавжуд эмас. Бу эса озуқабоп экинлар учун ажратилган майдонлардан унумли фойдаланиш, озуқабоп экинлар уруғини етиришга йўналтирилган фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш заруратини келтириб чиқарди.

Чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини ривожлантириш, чорва молларини асраш шароитларини яхшилаш, ветеринария-санитария тадбирларини ўз

вақтида амалга ошириб бориш кечириб бўлмайдиган вазифалар сирасига киради.

Чорвачилик соҳасини жадал ривожлантириш мақсадида қуйидаги чоратadbирларини амалга ошириш зарур бўлмоқда:

- озуқа базасини мустахкамлаш мақсадида мавжуд озуқа майдонларидан унумли фойдаланиш, уларнинг ҳосилдорлигини камида 2-3 баробарга ошириш (амалда бир гектардан 3,4 тонна озуқа бирлиги олинмақда). Бундан ташқари, озуқабоп такрорий ва оралиқ озуқа экинларини экишни ташкил этиш ва бунинг учун озуқабоп экинлари уруғлари билан таъминлаш чораларини кўриш;

- наслчилик ишларини янада яхшилаш учун қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан сигирларни сунъий уруғлантиришнинг афзалликлари аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш;

- барча тоифадаги хўжаликларидаги чорва молларига зооветеринария сервис хизматларини янада яхшилаш мақсадида қўшмча равишда зооветеринария пунктларини ташкил этиш;

- аҳоли чорва маҳсулотларига бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда жойларда замонвий лойиҳалар асосида чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик фермер хўжаликларини ташкил этиш каби амалга ошириш белгиланмоқда.

Халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига тобора ошиб бораётган талабини қондиришда долзарб аҳамиятга эга муҳим вазифамиз ҳисобланган чорвачиликни янада ривожлантириш учун мавжуд барча омилларни ишга солиш мақсадга мувофиқ.

II. Илмий адабиётлар таҳлили ва ўрганилганлик даражаси

Чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабни тўлароқ кондиринишда мустахкам озуқа базасини яратиш катта аҳамиятга эгадир.

Ушбу муҳим вазифани хал қилишда суғориладиган ерларнигина эмас, балки табиий яйловларнинг ҳам ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор бериш керакдир. Бизнинг минтақада ем-хашак етиштиришни, озуқа экинлар ҳосилдорлигини кўпайтиришнинг муҳим манбаларидан бири мавжуд суғориладиган майдонларда дала экинларни алмашлаб экишни жорий этишдир. Бундан ташқари оралиқ экинлар экиш йўли билан ҳам ем-хашак етиштиришни кўпайтириш мумкин. Хўжаликлар олдидаги энг долзарб масала ем-хашак етиштиришнинг илғор технологиясидан фойдаланиш ҳисобига кўп ва сифатли ем-хашак етиштиришни ташкил этиш муаммосидир.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини оқсиллар, витаминлар ва бошқа биологик актив моддалар билан тўла таъминлайдиган озуқа базасини яратиш, озуқалар сифатини яхшилаш, ем-хашаклардан тўлароқ фойдаланиш ва озуқа исрофгарчилиги камайтириш кун тартибидаги вазифадир. Галла ва оқсилга бой бўлган беда, соя сингари озуқабол экинлар майдонини кенгайтириш озиқ-овқат саноати чиқиндиларидан чорвачиликда кенг кўламда фойдаланишни янада кўпайтириш мўлжалланади. Сифатли ем-хашак етиштириш ва уни асрашнинг илғор технологияларини жорий этиш, озуқа етиштириш масаласини янги сифатга кўтаради. Концентрат озуқаларни сақлайдиган элеваторлар, ўт уни ҳамда донадорлаштириш омехта емларни сақлайдиган махсус жойларни барпо қилиш, чорвачилик соҳасини узлуксиз озуқа билан таъминлаш омилларидан биридир.

Чорвачиликда ҳайвонлардан кўзланган мўл ва сифтли маҳсулот ичлалаб чиқариш ҳамда насилли имкониятларини амалга оширишнинг асосий омиллардан бири бу янги авлод молларни тўғри озиқланириш ва парвариш қилишдир. Жумладан қорамолчиликда бузоқларни тўғри парвариш ва тўлиқ қийматли озуқалар билан озиқлантиришнинг натижасида соғлом, яхши ривожланган, юқори маҳсулдор, насилли хусусиятларини амалга ошира

оладиган ва катта миқдорда хажмли озуқаларни истеъмол қиладиган молларни етиштириш кўзда тутилади.

Бузоқларни ўстириш тизими уларнинг биологик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, бузоқларнинг яхши ўсиши ва ривожланишига, маҳсулдорлигининг шаклланишига, мустаҳкам конституцияли ва хўжаликда фойдаланиш вақтининг узайишига ёрдам берадиган бўлиши керак.

Ёш бузоқларнинг энергияга ва озуқавий моддаларга эҳтиёжини аниқлашда модда алмашувининг ўзига хослигини, турли ёшдаги ўсиш даврининг интенсивлигини ҳисобга олмоқ керак. (К.Карибоев ва бошқ. 1988). Туғилгандан кейин биринчи кунларданок бузоқлар ўзида юқори миқдорда (оддий сут билан таққосланганда) оқсил, ёғ, минерал моддалар, витаминларни оғиз сутини албатта олишлари керак. Оғиз сутида яна глобулин билан боғлиқ бўлган антижисм (ҳимоя моддаси) бўлиб, янги туғилган бузоқларни касаллик келтириувчи микробларга қарши иммунитет билан таъминлайди. Сут эмадиган даврда ҳазм қилиш органларида кўпгина ўзгаришлар бўлади, ўсимликлардан олган озуқалардаги тўйимли моддаларни ўзлаштириш қобилияти йўлга туша бошлайди, сув, минерал моддалар, оқсиллар алмашинуви кучаяди. Организмда аъзолар ва тўқималарнинг жадал ўсиши, айти вақтда молнинг кунлик ўсиши юқори бўлиши билан ажралиб туради.

Бузоқларини ўстиришда йилнинг биринчи ярмида кўп бўлмаган миқдордаги қаймоғи олинган сут (ёки ЗЦМ) билан боқилиб 600-650 г атрофида ўсишига эришилса, йилнинг иккинчи ярмида бу суръат янада жадалроқ кечади. Туғилгандан кейинги 3-4 ой ичида мол ўртача ўсиб, кейинчалик яхши озиқлантирилганда 12 ойга бориб бунинг ўрни қопланади. Туғилгандан кейинги биринчи ойларда ўсиш 700-800 г дан аста-секин 18 ойга қадар 450-500 г келиб, бузоқнинг ўсиш суръати пасая боради. Ёш, ўсаётган моллар энергияни тежамли сарфлаб ва озиқлардаги протеиндан яхши фойдаланиб, юқори даражада ўсишни таъминлашга қодирдир. Ёш

бузоқларнинг бундай биологик хусусиятидан фойдаланиш учун уларни тўла қимматли озуқалар билан таъминлаш лозим.

Бузоқларнинг ёш даврдаги ўсиш суръати ёғга нисбатан оқсилнинг кўплиги билан ажралиб туради. Ёш молларнинг ёши ўтиши билан танасида ёғ ва минерал моддалар йиғилиши ортиб боради. Бироқ, ўсиши ва оғирлигининг янада ошиб боришида озиклантириш даражаси кучли таъсир этади. Ҳаддан ташқари озиклантириш мол танасида кўпроқ ёғ йиғилишига олиб келади. Бузоқларни озиклантириш даражаси туғилган вақтдаги вазнига нисбатан 12 ойлигида 7,5-8,0 марта ва 18 ойлигида 11-12 марта ошишини таъминлайдиган бўлиши керак.

Р. Хамракулов (1999 й.) маълумотларига қараганда, бузоқларни боқиш учун ўсиш режаси, хўжаликда бир бош бузоқ учун эмизишга мўлжалланган сут миқдори хўжаликнинг табиий ва шарт шароитларини ҳисобга олиб улар учун бузоқларни боқиш тизими танланади. Бу тизимлардаги асосий фарқ уларнинг ўртача кунли ўстирилиши, сарф қилинадиган сут ва концентрат озуқалар миқдorigа боғлиқ. Улардан ташқари ёз ва қиш фасилларида насл учун ўстириладиган буқачаларни ҳамда наслга яроқсиз бўлган, келгусида гўшт учун боқиладиган эркак ва урғочи бузоқларни 6 ойгача боқиш учун алоҳида тизимлар келтирилган. Сунъий сут сутни қўллашга мослашган усулларда соф сут биринчи 10 кундан сўнг сунъий сутга ўтказиб 20-50 кун мобайнида сунъий сутни талқони сувда эритилиб (1,0:10) берилади. Насл учун парваришланаётган насилли буқачалар ва гўшт учун боқилаётган бузоқлардан юқори кунлик ўсиш талаб қилинганлиги учун уларга 50-60 кун давомида соф сут ва 50 кунлигидан (гўшт учун ўстириладиган бузоқларга эса 21 кунлигидан) бошлаб 140-180 кунлигигача ёғи олинган сут берилади.

Товар фермаларида ва гўшт учун ўстириладиган бузоқларни боқишда инсон учун қимматли бўлган сутни бир қисмини сунъий сут эвазига тўлдириш мумкин.

Адабиётларда ҳар хил сунъий сутларнинг рецептлари мавжуд. Чорвачилик соҳаси бўйича юксак кўрсаткичларга эришган баъзи чет эл

фирмалари ҳам ишлаб чиқариш учун ўнғай сунъий сут рецептларини тавсия қиладилар.

Масалан, Нидерладиянинг «Атина» фирмаси «Витулак маст» I ва II рецептларини (1-жадвал) таклиф қиладилар. (Н.И. Клейменов ва бошқалар 2001 й.).

1-жадвал

Сунъий сут рецепти («Атина» фирмаси), %

№	Таркиби	Рецептлар	
		«Витулак маст» I	«Витулак маст» II
1	Ёғи олинган сут (қуруқ)	73,5	70,2
2	Қуритилган зардоб	6,1	3,0
3	Мол ёғи	17,0	17,0
4	Антибиотик (соя шроти билан)	1,0	1,0
5	Маккажўхори крахмали	1,0	-
6	Жавдар крахмали	-	6,8
7	Маккажўхори мойи	0,4	0,4
8	Лицитин	0,4	0,4
9	А ва Д витамин (буғдой уни билан)	0,25	0,7
10	Анивит В-10К	0,25	0,4
11	Магний оксиди	0,1	0,1
Сунъий сут таркибида:			
1	Хом протеин	27	23,2
2	Хом ёғ	15,5	15,1
3	Хом клетчатка	0,2	1,0

Ўзбекистон шароитига хос бўлган ёш бузоқлар учун сунъий сут рецептини Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институтининг олимлари томонидан ишлаб чиқилган (2-жадвал).

Сунъий сут рецепти

(К.Карибаев маълумоти бўйича, 1987 й.)

№	Таркиби	Рецептлар	
		№ I	№ II
1	Соя уни, кг	130	130
2	Сув, л	658	658
3	Гидролиз шарбати (30% қандли), л	10	-
4	Шакар (45 кунликдан сўнг берилади), кг	-	3
5	Бўр, кг	1,0	1,0
6	Ош тузи, кг	0,6	0,6
7	Тривитамин, г	1,0	1,0
8	Бацихилин, г	150	150
9	Темир сульфати, г	200	200
10	Мис сульфати, г	5,0	5,0
11	Рух сульфати, г	22,0	22,0
12	Марганец сульфати, г	22,0	22,0
13	Йодли калий, г	1,8	1,8
14	Хлорли кобальт, г	5,7	5,7

Бу сунъий сутнинг тўйимлилиги 0,22 озука бирлигига тенг ва 1 кг да 42 г ҳазмланувчи протеин бор. Ушбу сунъий сутдан 11-20; 21-30; 31-40; 41-50; 51-60, 61-70, 71-80, 81-90 кунлигида мос равишда 1,5; 3,0; 3,5; 4,5; 5,0; 5,0; 4,5; 4,5 кг дан жами 315 кг сунъий сутни 175 кг соф сутни ўрнига ичириш мумкин.

И.Турсуновнинг (2008) маълумотига қараганда бузоқлар учун улар ҳаётининг биринчи ҳафтасида сутнинг қаймоғи олингани ҳам, олинмагани ҳам маҳимдир. Уни 35 С⁰ ҳароратда қиздириб бериш керак. Аммо кўп

ҳолларда сут бузоқхонага бир оз ачиган ҳолда, лекин тўлиқ ивимаган ҳолда келтиилади. Бу хил сутда бир қанча микроблар бўлиб, улар ич кетишни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун сут таркибидаги қанд сут кислотасага айланиб, таркибидаги бактериялар зарарсизланмагунича кутиш керак.

20 кг сутга 0,5-1,0 кг айрон қўшиб, ёғоч идишда 25 С⁰ ҳароратда сақланса, яхши ивийди ва 24 соатдан сўнг простакваша (чучук қатик) тайёр бўлади.

Агар хўжаликда ёғсизлантирилган сутни ивитишга жой бўлмаса, унга сирка, чумоли, энг яхшиси лимон кислота ҳар 10 кг сутга 20 г миқдорида 25 С⁰ ҳароратда қўшилади ва яхшилаб аралаштирилади.

Бузоқлар учун яна қулай ва ишончли озуқа бу ёғи олинган қуруқ сутдир. У таркибидаги тўйимли моддлар бўйича янги соғилган сутга тенглашади. Қуруқ сутдан фойдаланишнинг асосий камчилиги унинг қимматлилигидадир.

Бузоқлар рационига турли озуқа аралашмалари ва сут алмаштиргичлар ҳам киритилади. Аралашмалар қуруқ ҳолда қунига икки марта бузоқ хохлаганича берилади. Бузоқ 10 ҳафталик бўлиб, суткасига 1,5 кг озуқа аралашмасини ейдиган бўлганда миқдори меъёрланади. Озуқа аралашмаларида камида 16 % қуруқ протеин ва қуни билан 11 % клетчатка сақланиши керак. Таркибини 20 % дан сўли дони, зиғир қунжараси ёки шроти, қолган таркиби эса тегирмон саноати чиқиндалари, дуккакли экинлар, қунжара, ўт уни, қуруқ ачитгилар ва бошқалар ташкил этади.

Агар ёғсизлантирилган сут бўлмаса, бузоқларга махсус сут берилади. Унинг таркибида камида 30 % хом протеин, 3 % ёғ ва қўпи билан 8 % қуруқ клетчатка бўлади. Бу хил комбикорм қуруқ ҳолда ёки атала қилиб берилади. Бузоқлар парвариши ва бурдоқига боқувида сут алмаштиргичлардан фойдаланиш тўлиқ қийматли сут сарфини анчигина камайтиради.

Хоҳрин С.Н. (2004) маълумоти бўйича бузоқларни озиқлантириш схемаларида сунъий сут билан боқилиши режалаштирилган хўжаликларида,

бузоқларни фақатгина биринчи 10 кунлик ёшигача 50 кг миқдорида она сuti билан боқилади, кейинги 11 кунлик ёшидан бошлаб бузоқлар сунъий сuti билан озиклантрилади (уларни ўстириш дарв ичида 21-24 кг сунъий сutiнинг куруқ уни сарф бўлади). 1,1 кг куруқ уни билан 10 кг сунъий сuti тайёрланади. Бузоқларга сунъий сuti беришдан олдин 8,9 литр қайнатилган ва 50-60 С⁰ гача совутилган сувга 1,1 ун яхшилаб аралаштирилади. Тайёрланган сунъий сuti харорати 30 С⁰ атрофида бўлиши керак. Сунъий сuti фақат бузоқларни озиклантиришдан олдин тайёрланиши лозим, бунда 1,2 кг сунъий сutiнинг қиймати 1 кг тўлиқ қийматли сuti миқдorigа тенг келади. Хохрин С.Н. (2004) маълумоти бўйича сунъий сuti таркиби 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Сунъий сuti таркиби, 1 тонна ҳисобига (ТУ 10-02-72-88)

(Хохрин С.Н. маълумоти бўйича, 2004)

№	Таркиби	Миқдор
1	Ёғсизлантирилган куруқ сuti, кг	817
2	Суяк ёғи, кг	173
3	Куруқ натрий казинат, кг	10
4	Антиоскидловчи, г	34
5	Витамин А, млн. ХБ*	35
6	Витамин Д, млн ХБ	7
7	Бацитрацин, г	50

Сунъий сutiнинг афзалликлари тўғрисида атиладиган бўлса, замонвий сунъий сutiларнинг биологик ва энергетик қиймати табиий сutiдан деярли фарк қилмайди (www.mologa.ru). Сунъий сutiнинг ёш организми учун бўлган фойдали тарафи шундаки: селекция жараёнида сuti таркибида оксил ва ёғ миқдори ошиб бормоқда, лекин ёш организм дастлабки кунларда зиёд миқдордаги оксил ва ёғ миқдори ҳазм қилишга мослашмаганлиги учун ҳазм қилиш органларнинг дисфункцияси, яъни орган фаолитининг бузулиши юз беради. Бундандан ташқари, табиий сutiнинг кимёвий таркиби ва сифати йил

мавсумига қараб, ҳайвонларнинг физиологик ҳолати ҳамда озиқлантириш шароитига қараб доимо ўзгариб боради. Сунъий сутдан фойдаланиш ушбу муаммоларни олдини олишга ёрдам беради, бундан ташқари улар тезда бузулмайди ва бузоқларни озиқлантиришдан олдин бар неча дақиқа ичида тайёрланади. (www.parnas-zcm.ru).

Қорамолчилик соҳасида сунъий сутдан кенг фойдаланишнинг асосий сабаблардан бири унинг иқтисодий самараси юқори бўлишидир. Масалан, янги тайёрланган сунъий сут нархи Россия бозорида ўртача 3 рублни ташкил этади (www.rost-mol.ru), йирик сут заводлар хом сутни ўртача 6-8 рублдан сотиб олади, яъни сунъий сунга нисабан 2 баробар қиммат. Шундан хулоса қилиш мумкинки: 3 ой давомида бузоқларни сунъий сут билан озиқлантириб, табиий сутни эса сотиш иқтисодий жиҳатдан жуда фойдалидир. Бунинг натижасижа ҳар бир технологик цикл ичиди бир бузоқдан ўрта ҳисобда 750 рубл тежалади. Ишлаб чиқарувчиларнинг фикрлари бўйича 1 тонна сотиб олинган қуруқ сунъий сут ҳисобига хўжаликга 10-15 минг рубл фойда келтирилади. Бузоқларни сунъий сут билан тўри озиқлантириш технологиясини қўллаш натижасида келажакда сигирларнинг маҳсулдорлигини сақлаш ва ошириш ишларида ижобий натижаларга ҳам эришиш мумкин. (www.molprodukt.ru, www.rossmoll.ru)

«Сибирфарм» ишлаб чиқарувчи бирлашмаси мутахассислари томонидан «Фермолюкс» номли озуқа аралашмаси ҳозирги вақда истиқболли ва харидбоб маҳсулот сифатида бозорда ўз ўрнини топмоқда. Ушбу сунъий сут таркиби юқори сифатли оқсиллар, бошоқлилар углеводлари ва сут маҳсулотлари қолдиқларидан ташкил топган. «Фермолюкс» арашмаси таркибида камида 25 % хом протеин, 12 % углеводлар ва 40 % ёғлар, бундан ташқари макро-, микроэлементлар, витаминлар ва аминокислоталар бузоқларнинг талабини қондирувчи миқдорда сақланади (www.product&zcm.ru)

«Фермолюкс» аралашмасини Россиянинг йирик қорамолчилик фермер хўжаликларида кенг фойдаланиш имкониятини бермоқда. Шунини такидлаш

жоизки, «Фермолюкс» сунъий сут аралашмасидан фойдаланиш бузоқларнинг соғлигини сақлаш, уларнинг ўсиш суръати меъёрида кечиши ва аралашмадан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги ижобий бўлиши кузатилган (www.molochko.ru),.

Қорамолчилик соҳасини саноат асосида жадал равишда ривожлантиришнинг асосий шарлардан бири бузоқларни озиклантиришда сунъий сутдан кенг фойдаланиш ҳисобланади. Хўжаликда ҳар бир тонна фойдаланилган сунъий сут аралашмаси 10 тонна сигир сутини сотишга имкон беради. ВНИИМП (Россия сут саноати илмий тадқиқот институти) маълумоти бўйича Россия худудлари бўйича умумий ишлаб чиқарилган сутнинг товарлик (реализация қилинган) қисми 60 % дан ошмайди, бу кўрсаткич Голландияда 98 %, ва АҚШ да эса 97,5 % ни ташкил этади. Шунинг учун сунъий сутдан фойдаланиш даражаси биринчи навбатда чорвадор фермерларнинг иқтисодий манфаатига боғлиқ бўлиб Россия бозорида сунъий сут аралашмаларининг ўрни аста секин кенгаймоқда. Масалан: Москва, Ленинград ва Мурманск областларида ўстиралаётган бузоқларнинг 90 % сунъий сут билан озиклантрилади, Владимирский, Свердловский, Волгоградский областлари ва Краснодарский крайларнинг кўпчилик хўжаликларида ўстиралаётган бузоқларнинг 90 % сунъий сут билан озиклантрилади (www.mologa.ru/zcm, Ли В. www.agrojour.ru).

Россия «Молоко» номидаги очиқ турдаги акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан «Премиум» номли сунъий сут маҳсулотининг илмий-техник йўлланма характеристикасида қуйидагилар қайд этилган (www.mologa.ru/premium): - бузоқларни озиклантириш учун ишлаб чиқарилган бу маҳсулот ВИЖ (Россия чорвачилик институти) ва ВНИМИ (Россия сут илмий тадқиқот институти) олимлари ва мутахассислари ёрдамида ишлаб чиқарилган; ушбу маҳсулот протеин, ёғ, углеводлар, витаминлар, минерал моддалар билан тўлиқ тенглаштирилган бўлиб бузоқларнинг ўсиши ва ривожланишини тўлиқ таъминлашга ҳамда ҳамз қилиш органларнинг бузулишини олдини олишга ёрдам беради. Бу маҳсулот

таркибида творог ва пишлоқ зардоби бўлганлиги учун бифидофлора ва лактофлоранинг ривожланишини таъминлайди. Ҳазмланиш жараёнида бифидум-бактериялар В витаминлар гурҳини синтезлайди, лактобактериялар лактозани ачитиб сут кислотасини ҳосил қилади, бу ўз навбатида ошқозоннинг Ph муҳитини нейтраллаштириш билан организмнинг патоген бактерияларига бўлган резистентлигини оширишга имкон беради.

Янги технологи ва формула остида яратилган ушбу маҳсулотнинг кўлайлиги янада шундаки бузоқларнинг ўсиши ва ривожланиши учун керак бўлган барча тўйимли моддаларни сақлайди, аралашма уни сувда тез эриш хусусиятга эга, чет элда ишлаб чиқарилган аналогик маҳсулотларига нисбабан 10-15 % арзон. Маҳсулотнинг сифатини бузадиган компонентлар - стабиллизатор, консервант, антибиотик ва ароматизатор моддалар сақланмаганлиги туфайли чет элда ишлаб чиқарилган намуналаридан кескин фарқ қилади. «Молоко» ОАЖ маҳсулотлари Россия қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Москва ҳукумати ва Россия қишлоқ хўжалик фанлар академияси томонларидан медал ва дипломлар билан тақдирланган ҳамда Россия федерацияси ветеринария департаменти томонидан Давлат озуқа реестери рўйхатига киритилган (www.cherkiz-ltd.ru).

«Восток-Агро» компания мутахассислари томонидан ёш қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун «Караваевсий+» сунъий сут маҳсулоларини ўсимлик оқсилли ва ёғли, сут зардоби, қурутилган сут, витаминлар ва минерал моддалар аралашмасидан ишлаб чиқарилади, ушбу маҳсулот ТУ 9223-001-75625539-2007 талабларига асосан ошқозон-ичак йўлларида функциясининг бузулишини келиб чиқармайди. «Караваевский+» сунъит сут қуруқ ун шакли бўлиб унинг ранги оч сариқ (кремовый), уч қаватдан иборат бўлган қоғоз халталарига 20 кг дан қодоқланган ҳолда ишлаб чиқарилади, сақлаш ва яроқлик муддати 12 ойни ташкил этади (www.vostokagro.ru), www.vostok&product.ru) 4-жадвалда «Восток-Агро» компанияси томонидан «Караваевсий+» сунъий сут қуруқ аралашмаларининг кимёвий таркиби ва тўйимлилиги келтирилган.

«Караваевсий» маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи компанияси ўзининг маҳсулотлари тўғрисида қуйидагиларни илова қилади: сунъий сут таркиби сигир сутнинг таркибига максимал даражада ўхшаш бўлиб бузоқларнинг ўсинини ва ривожланишани таъминлаб бериш учун табиий сутнинг урнини босадиган озуқадир. Компания маҳсулотни Давлат Кострома қишлоқ хўжалик академияси олимлари ва мутахассислари ёрдамида яратилган бўлиб «Караваево» наслчилик заводи синовларида ўтиб ижобий натижаларга эга бўлган.

4-жадвал

**«Караваевсий+» сунъий сут қуруқ аралашмаларининг
кимёвий тарикби ва тўйимлилиги**

Маҳсулот номи	Бузоқлар ёши	Оксил, %	Ёғ, %	Угле- волар, %	Алмашинув энергия, МДж	Озуқа билриги
"Караваевский-2+"	Бузоқларнинг 10 кунлик ёшидан бошлаб	20	13	53	16,5	1,62
"Караваевский-3+"	Бузоқларнинг 10 кунлик ёшидан бошлаб	20	12	56	16,6	1,58
"Караваевский-4+"	Бузоқларнинг 10 кунлик ёшидан бошлаб	22	12,5	49	13,7	1,55
"Караваевский-5+"	Бузоқларнинг 10 кунлик ёшидан бошлаб	21	12	54	16,6	1,61
"Караваевский-8+"	Бузоқларнинг 10 кунлик ёшидан бошлаб	20	12	52,5	16,5	1,60
"Караваевский-9+"	Бузоқларнинг 10 кунлик ёшидан бошлаб	29	13,5	33	15,3	1,48

«Караваевсий+» сунъий сутнинг сигир сутидан бир неча бўлган афзалликлари қуйидагилардан иборат:

«Караваевсий+» сунъий сутнинг тарикби, г

ТАРКИБИ	Карава- евский- 2+	Карава- евский- 3+	Карава- евский- 4+	Карава- евский- 5+	Карава- евский- 8+	Карава- евский- 9+
Соя уни (ёғ 20%)	240,0	285,0	382,0	225,0	355,0	660,0
Сут зардоби, қурутилган	450,0	280,0	400,0	500,0	600,0	
Ёғсизлантирилган сут, қурутилган	63,0	80,0				
Арпа уни	180,0	302,6	174,0			310,0
Маккажўхори уни				229,0		
Ош тузи	5,0		7,0		5,0	5,05
Трикальцийфосфат	28,2	25,8	25,9	27,6	24,0	24,0
Шакар	23,8	24,2	7,0	12,0	10,0	
Витамин А	0,05	0,05	0,05	0,05	0,05	0,05
Витамин Д	0,004	0,004	0,004	0,004	0,004	0,004
Витамин Е	0,086	0,086	0,086	0,086	0,086	0,086
Витамин С	0,148	0,148	0,148	0,148	0,148	0,148
Витамин В2	0,01	0,01	0,01	0,01	0,01	0,01
Витамин В12	0,004	0,004	0,004	0,004	0,004	0,004
Витамин В1	0,016	0,016	0,016	0,016	0,016	0,016
Витамин В3	0,023	0,023	0,023	0,023	0,023	0,023
Витамин В4	0,977	0,977	0,977	0,977	0,977	0,977
Витамин В5	0,05	0,05	0,05	0,05	0,05	0,05
Витамин РР	0,05	0,05	0,05	0,05	0,05	0,05
Витамин В6	0,008	0,008	0,008	0,008	0,008	0,008
Темир	0,49	0,49	0,49	0,49	0,49	0,49
Рух	0,44	0,44	0,44	0,44	0,44	0,44
Мисс	0,039	0,039	0,039	0,039	0,039	0,039
Кобальт	0,004	0,004	0,004	0,004	0,004	0,004
Селен	0,001	0,001	0,001	0,001	0,001	0,001
ЖАМИ:	1000,0	1000,0	1000,0	1000,0	1000,0	1000,0

- сунъий сут аралашмалари таркиби ўсимликлар хом-ашёси ва қурутилган сут маҳсулотларидан тайёрланганлиги учун табиий сут орқали тарқаладиган инфекцияларнинг тарқалишига йул қўймайди;
- «Караваевсий» сунъий сут маҳсулотлари таркиби ёш бузоқлар учун керак бўлган макро- ва микроэлементлари, витаминлар ва аминокислотар билан бойитилган;
- сунъий сут бузоқларни озиклантиришдан олдин тайёрланади ва ҳамиша янги ҳолатда фойдаланилади, айниқса ёз фаслларда бу жуда муҳимдир;
- сунъий сут аралашмасини тайёрлашда тугун ва чўкма ҳосил бўлмайди, бир неча соат давомида коллоидлик хусусиятларини йўқотмайди;
- сунъий сутни қуруқ ҳолатда таранспортировка қилиш қўлайдир, ва узок вақт ичида сақланган маҳсулот ўзининг фойдали хусусиятларини йўқотмайди;
- сунъий сут таркибидаги ишлов берилган соя уни, унинг таркибидаги оқсилни максимал даражада ҳазм бўлишини таъминлайди;
- сунъий сут таркибидаги 12-13,5 % ёғ миқдори организм учун яхши алашинув энергия манбаи ҳисобланади;
- «Караваевский» сунъий сут аралашмалари таркибида генетик модификацияланган компонентларни сақламайди.

1 кг сунъий сутнинг қуруқ уни 8-9 литр қайнатилган (50-60 °С) сувга аралаштирилади ва иссиқлиги 36-40 °С бўлгандан сўнг бузоқларга ичирилади.

«Велес» маъсулияти чекланган жамият томонидан «Спрейф Ред 15» - ёғлиги 15 % бўлган сунъий сут маҳсулотини бузоқларни 3 кунлик ёшидан озиклантириш учун ишлаб чиқаради. Бунда 1 кг қуруқ ун 8-10 литр сувга мўлжалланган, бунинг учун, 1 кг унни 45-60 °С гача иситилган 3-4 литр сувга аралаштириб кейин сувнинг қолган қисми қўшилади. Сунъий сут аралашмаси 5 дақиқа ичида аралаштириш лозим ва 38-40 °С иссиқлида

бузоқларга ичирилади. «Спрейф Ред 15» сунъий сут билан бузоқлар қуйидаги схема бўйича озиклантрилади (www.veles-ltd.ru). (6-жадвал).

«Спрейф Ред 15» сунъий сут билан бузоқлар 7-8 ҳафталик ёшигача боқилади. Бу давр ичида бир бош бузоқ учун 32 кг сунъий сут уни сарф бўлади. Бузоқларнинг энергия ва протеинга бўлган талаби бошқа озуқалар қўшиб бериш ҳисобига тўлиқ қондирилади, бунинг учун бир кунда камида 1 кг концентрат озуқалар бериш керак.

6-жадвал

**«Спрейф Ред 15» сунъий сут билан бузоқлани
озиклантириш схемаси**

Бузоқнинг ёши	Сут (увуз)	Сунъий сут
1-3 кун	3 марта 1 литрдан	-
4-7 кун		2 марта 1,5 литрдан
2 ҳафта		2 марта 2,0 литрдан
3 ҳафта		2 марта 2,5 литрдан
4-7 ҳафта		2 марта 3,0 литрдан

Қуйидаги жадвалда «Спрейф Ред 15» сунъий сутнинг кимёви таркиби келтирилган (7-жадвал).

7-жадвал

«Спрейф Ред 15» сунъий сутнинг кимёви таркиби

ТАРКИБИ			
Хом протеин	20,0 %	Селен	0,3 мг/кг
Ёғ	15,0 %	Рух	100 мг/кг
Хом кул	9,6 %	Йод	1,5 мг/кг
Намлик	3,1 %	Витамин А	40 000 ХБ* мг/кг

Хом клетчатка	0,6 %	Витамин D	5 000 ХБ/кг
Лизин	1,4 %	Витамин E	50 Мг/кг
Метионин	0,35 %	Витамин K	4,0 Мг/кг
Метионин + Цистин	0,7 %	Витамин C	100 Мг/кг
Кальций	0,7 %	Витамин B1	5 Мг/кг
Фосфор	0,8 %	Витамин B2	15 Мг/кг
Магний	0,2 %	Витамин B6	6,0 Мг/кг
Лактоза	43,0 %	Витамин B12	25 Мкг/кг
Темир	120 мг/кг	Флавофосфолипид	16 Мг/кг
Кобальт	1,0 мг/кг		

ХБ* - халқаро бирлик

Шундай хулоса қилиш мумкинки, қорамолчиликда бузоқларни сут эмиш даврида ўстириш учун сунъий сут билан озиклантириш юқори самара беради ва соҳани ривожлантиришнинг асосий шартлардан бири ҳисобланади.

III. Хўжалик иш фаолиятининг таҳлили

Самарқанд вилояти, Пайариқ туманига қарашли “Ярлақобов” фермер хўжалиги 1998 йилда ташкил қилган бўлиб. Фермер хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш йўналиши чорвачилик маҳсулотлари ва мева-сабзовотчилик. Самарқанд шаҳар аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга ихтисослаштирилган. Фермер хўжалиги Самарқанд шаҳрини шарқ 22 км масофада жойлашиб, унинг асосий хўжалик майдони Жомбой тумани ва Челак тумани билан чегарадошдир.

Фермер хўжалигини табиий иқлим шароити кескин ўзгарувчан бўлиб, йилнинг июн ва июл ойларида ҳавонинг ўртача ҳарорати $+39^{\circ} - 43^{\circ}$ гача ошса, қиш ойларида $- 12^{\circ} - 15^{\circ}$ гача пасаяди. Хўжаликнинг ерларидаги ёғингарчилик миқдори 500-550 мм гача етмади. Ширкат хўжалигида ҳам иқтисодий ислохатлар туфайли ўзига хос ташкилий тадбирлар тузилиб, оилавий хусусий пудратда ишлайдиган кичик звенолар, бригадалар ташкил қилинмоқда.

8-жадвалда Ярлақобов фермер хўжалигининг ердан фойдаланиш маълумотлари келтирилган.

8-жадвал

Ярлақобов фермер хўжалигининг 2009-2010 йилларда
ердан фойдаланиш, га

Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил
Умумий ер майдони	2179	2055
Жами: қ.х. яроқли ерлар	958	828
Шундан: суғориладиган ерлар	753	630
яйловлар	56	47
Кўп йиллик дарахтзорлар	256	260
Шахсий хўжалик ерлари	156	290

Жадвал маълумотларидан маълум бўлдики ширкат хўжалигида 2055 ер майдони бўлиб, қишлоқ хўжалик ишларига яроқли ер майдони 828 га тенг бўлиб шундан суғориладиган ерлар 630 га ташкил этади, яйловлар учун 47 га майдони ажратилган. Хўжаликда 260 га кўп йиллик экинларга ажратилган, боғлар мавжуд бўлиб, олма ва бошқа мевалар етиштирилади. 2009 йилга

нисбатан 2010 йилда 4 га кўпайган. Хўжаликда чорва моллари учун ем-хашак етиштириш учун ажратилган ер майдонлари ва уларнинг ҳосилдорлиги куйидаги жадвалда келтирилган.

9-жадвал

Хўжаликдаги асосий экин майдонлари ва уларни ҳосилдорлиги

Экинлар	2009 йил		2010 йил	
	майдони га	ҳосилдорлиги ц	майдони га	ҳосилдорлиги ц
Донли экинлар	180	44	191	46
Беда: кўк озуқа учун	51	360	54	380
Пичан учун	12	120	15	130
Сабзавот	45	328	45	383
Маккажўхори силос учун	31	310	32	280
Макажўхори дон учун	60	150	60	130

Хўжаликда донли экинлар 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 11 га ошиши билан бирга уларнинг ҳосилдорлигида ҳам ўзгариш бўлиб, 2 ц га ошган бўлса, 54 га ердаги беда майдонининг ҳосилдорлигига эса 20 ц га, пичанники 10 ц га кўпайган. Шунини таъкидлаш керакки фермер хўжалигида экилаётган майдонлари режага нисбатан ошган. Хўжаликда чорва молларининг бош сонини ўзгаришини куйидаги жадвалдан куришимиз мумкин.

10-жадвал

Хўжаликда чорва молларини сонининг ўзгариши, бош

Молларнинг тури	2009 йил	2010 йил
Жами қорамоллар	230	245
Шундан: сизирлар	112	115

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ширкат хўжалигида 2010 йилда 2009 йилга қараганда қорамолларни бош сони ўзгариш яхши натижаларни кўрсатган. Ўтган йилга нисбатан қорамоллар 15 бошга кўпайган. Хўжаликда ҳозирги кунда 115 бош сизир бўлиб, қолган 130 бошини 2 ёшли таналар ва 1 ёшгача бўлган бузоқлар ташкил этади.

Хўжаликда ялпи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишнинг ахволи куйидаги жадвалда келтирилган.

11-жадвал

Ярлақобов фермер хўжалигида ялпи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш

Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил	
	режа	ҳақиқатда	режа	ҳақиқатда
Сут ишлаб чиқариш, ц	10150	10200	13200	13400
Сутни сотиш, ц	7000	7100	8200	8300
Жами семириш, кг	5000	5200	6000	6020

Жадвал маълумотларини таҳлил қилсак 2010 йилда 2009 йилга нисбатан сут ишлаб чиқариш, сутни сотиш ва молларни семиртириш ошган, бундан ташқари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари режага нисбатан ҳам ошганлигини кўрсатди.

12-жадвал

Хўжаликдаги чорва молларининг маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил	
	режа	ҳақиқатда	режа	ҳақиқатда
Бир бош сигирдан олинган сут, кг	3100	3100	3200	3220
Ҳар 100 бош сигир ва ғуножиндан бузук олиш	85	86	85	87
Кунлик семириш, г	450	450	450	450

Жадвал маълумотларининг таҳлилин килсак, хўжаликда бир бош сигирдан сут соғиб олиш режаси 2009 йилда 3100 кг, 2010 йилда эса 3200 кг ни ташкил этган. 2009 ва 2010 йилларда сут ишлаб чиқариш режалари тўлиғича амалга оширилган. Худди шундай ҳолат ҳар 100 бош сигир ва ғуножин ҳисобига бузук олишда ҳам кузатилган. 2009 йилда хўжалик ҳар 100 бош сигир ва ғуножиндан 86 та бузук олган булса, 2010 йилда эса 87 та бузук олинган. Кунлик семириш натижалари буйича ҳам режа бажарилган.

Кейинги жадвалда хўжаликда чорва маҳсулотлари етиштириш учун сарфланган озуқа миқдорлари келтирилган.

Хўжаликда чорва маҳсулотлари етиштиришга
озикалар сарфи (ц/озика бирлиги)

Маҳсулотлар номи	2009 йил		2010 йил	
	режа	ҳақиқатда	режа	ҳақиқатда
1 ц сут учун	1,61	2,05	1,69	2,16
Қорамолчиликда қўшимча вазн учун	13,7	15,7	14,1	17,9

Ярлақобов номли фермер хўжалигида маҳсулот бирлигига режадагидан гарчи кўп озикалар сарфланган бўлса ҳам 2009 йилга нисбатан 2010 йилда озика куп сарфланган ёки 2010 йилда 1 ц сутга 0,11 озика бирлиги кўп, 1 ц қўшимча вазн учун 2,2 озика бирлиги кўп сарфланган. Бу кўрсаткичлар зоотехния меъёрига нисбатан зиёд бўлган. Озукаларни кўп сарфланганлиги эса уз навбатида хўжалик бошқарувида сут ва қорамол гуштининг таннархини юқори бўлишига олиб келган.

Бозор иқтисодиёти даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини пасайтириш учун сарфланган хизмат ва меҳнатларни озика таннархини пасайтириш лозим.

1 центнер озика таннархи

Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил	
	режа	Бажарил гани	режа	Бажарил гани
Беда пичани	500	505	500	505
Маккажухори силоси	450	465	450	465
Кўк озика	-	-	-	-

Маҳсулотлар асосида хўжаликнинг 3 йиллик ишлаб чиқарилган ҳар бир центнер озуканинг таннархи ўсиб боришини кузатиш мумкин. Ўтган йилларга нисбатан 2009 йилда озикалар таннархи нисбатан ошган. Бундан ташқари хулоса қилиш экин майдонини экишига тайёрлаб уни йиғиб олгунча қадар кетган меҳнат кучи, уғиталр, уруғ, ёқилғи, маҳсулотлари қўшимча

харажатлар юқори кўрсаткичларга эга. Қорамолчиликда меҳнат унумдорлигининг ошишига қўйидаги омиллар таъсир этади.

IV. Мавзу бўйича муаммоларнинг қўйилиши, қўлланилган услубиётлар

Тажрибани ўтказиш учун аналог гуруҳи усули бўйича 20 бош эркак бузоқлар танлаб олинди, 10 бош тажриба ва 10 бош назорат гуруҳларга ажратилди. Бу гуруҳлардаги бузоқлар хўжаликда белгиланган кун тартиби ва озиклантириш схемалари бўйича парвариш қилиниб келинди. Фақат тажриба гуруҳидаги бузоқларга соф сутнинг бир қисми ўрнига сунъий сут билан аралаштирилди. Тажриба қуйида кўрсатилган схема асосида олиб борилди.

Тажрибани ўтказиш схемаси



Ёш ўсаётган бузоқларни озиклантиришда бир неча намунавий схемалар мавжуд, сунъий сут тайёрлашда ҳам «Атина» ва бошқа рецептлар мавжуд,

лекин бу рецептлар таркибидаги озуқаларни ҳозирги кунда топиш қийин ва қиммат бўлганлиги учун биз қуйидаги таркибдаги рецептдан фойдаландик (15-жадвал).

15-жадвал

Сунъий сут таркиби %

Ёғи олинган сут	55
Зардоб	26
Пичан уни	5
Маккажўхори уни	10
Пахта шроти	4
Диамоний фосфат	0,005
Бўр	0,005
Ош тузи	0,005

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, таждрибада кўлланилган сунъий сутнинг таркиби кўйидагича бўлган, ёғи олинган сут – 55 %, сут зардоби – 26 %, пичан уни – 5%, маккажўхори уни – 10%, пахта шроти - 4% ва минерал қўшимчалар, яъни диамоний фосфат, бўр ҳамда ош тузи 0,05 % дан қўшилиб берилди.

Бузоқарнинг ўсиш суръатини аниқлаш учун, хар ойда бир марта уларнинг трик вазни аниқлаб борилди, бузоқларни тарозида тортиш эрталабки вақтда озиқлантиришдан олдин ўтказилди. Бу кўрсаткич мутлоқ ўсишни ташкил этди.

Бузоқларнинг ўртача кунлик ўсишини аниқлаш учун мутлоқ ўсиш суръати кунлар сонинига бўлиш йўли билан аниқланди.

Бузоқларни боқиш учун тажриба давомида сарф бўлган озуқалар турлари бўйича ҳисобга олинди ва шу асосида барча бузоқларнинг 1 кг

нархи, 1 бош бузоқнинг нархи, 1 кг бузоқнинг таннархи, соф фойда ва шу билан рентабеллик даражаси ҳисоблар чиқарилди.

V. Мавзунинг ечими ва матнда ёритилиши

5.1. Бузоқларни озиқлантириш схемалари

Бузоқларни озиқлантириш схемаси 16-жадвалда кўрсатилган. Шундай қилиб, тажриба ва назорат гуруҳларидаги бузоқлар бир ҳил рацион асосида 20 кунлик ёшигача озиқлантирилиб келинди. Кейинги ёшларда, тажриба гуруҳидаги бузоқларга соф сутнинг бир қисми сунъий сут билан алмаштирилди, яъни 21-кундан бошлаб назорат гуруҳидаги бир бош бузоқ учун суткасига 5 кг сут берилган бўлса, тажриба гуруҳига 3 кг соф сут ва 2 кг сунъий сут берилган. Бунда, 1 ой ичида тажриба гуруҳидаги бир бош учун 130 кг соф сут ва 20 кг сунъий сут сарфланган бўлса назорат гуруҳида эса фақат 150 кг соф сут берилган.

16-жадвал

Бузоқларни озиқлантириш схемаси (кг)

Бузоқлар ёши	Тажриба гуруҳи						Назорат гуруҳи				
	Сут		беда пичани	макка силоси	хашаки лавлаги	омихта ем	соф сут	беда пичани	макка силоси	хашаки лавлаги	омихта ем
	соф	сунъий									
10 кун	5						5				
20 кун	5					0,1	5				0,1
30 кун	3	2				0,2	5				0,2
1 ойда	130	20				3	150				3
10 кун	2	3	0,3		0,1	0,2	5	0,3		0,1	0,2
20 кун	1	4	0,3		0,2	0,2	5	0,3		0,2	0,2
30 кун		5	0,4		0,3	0,2	5	0,4		0,3	0,2
2 ойда	30	120	10		6	6	150	10		6	6
10 кун		5	0,5	1	0,4	0,3	4	0,5	1	0,4	0,3
20 кун		4	0,6	1	0,5	0,3	3	0,6	1	0,5	0,3
30 кун		4	0,7	1	0,6	0,3	2	0,7	1	0,6	0,3
3 ойда		130	18	30	15	9	90	18	30	15	9
Жами	160	250	28	30	21	18	390	28	30	21	18

Бузоқларнинг тажриба ҳамда назорат гуруҳларига 2-ойнинг биринчи 10 кунлигидан бошлаб бузоқлар рационига 0,3 кг беда пичани, 0,1 кг хашаки

лавлаги ва 0,1 кг омихта ем бериб ўргатиб бошланган эди. Фақатгина назорат гуруҳига 5 кг соф сут берилган бўлса, тажриба гуруҳига эса 2 кг соф ва 3 кг сунъий сут берилган.

Бузоқларнинг кейинги ёшларда тажриба ва назорат гуруҳларига бериладиган беда пичани, макка силоси, хашаки лавлаги ва омихта ем озукалар бир хил миқдорда бериб озиқлантрилган, лекин тажриба гуруҳидаги бузоқларга 2-ойнинг учинчи ўн кунлиган бошлаб соф сутнинг ўрнига фақат сунъий сут берилган.

Шундай қилиб тажриба ва назорат гуруҳидаги ҳар бир бош бузоқни озиқлантириш учун 3 ой давомида 28 кг беда пичани, 30 маккажўхори силоси, 21 кг хашаки лавлаги ва 18 кг омихта ем сарф бўлган. Лекин тажриба гуруҳидаги бузоқлар учун 160 кг соф ва 250 кг сунъий сут сарфланган бўлса, назорат гуруҳига эса 390 кг соф сут сарф бўлган.

5.2. Бузоқларнинг ўсиш суръати.

Хўжаликларда қабул қилинган озиқлантириш схемалари ва рационлари ўстириш режасига ва озиқлантириш меъёрига мос равишда бузоқларнинг ўсиши ва ривожланишини таъминлайдиган бўлмоғи керак. Бунда сут ва концентратлар каби қиммат нархли озукаларни тежаб сарфлаш керак. Туғилгандан кейинги 10-15 кун ичида бузоқлар учун ягона озуқа сут бўлиб, у билан озиқлантириш молнинг вазнига режалаштирилган суткалик ўртача ўсишга боғлиқ бўлади.

Биз ўтказган тажрибада бузоқларнинг ўсиш суръатини ўрганиш асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади, чунки ёш организмнинг ўсиши биринчи навбатда озиқлантириш даражасига боғлиқ бўлади.

17-жадвалда тажриба жараёнида бузоқларнинг тирик вазнининг ўзгаришлари қайд этилган.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, тажриба бошланишдан олдин тажриба гуруҳидаги бузоқларнинг ўртача тирик вазни 24,5 кг ташкил этган, назорат гуруҳида эса 24,1 кг бўлган. 30 кун давомида

тажриба гуруҳидаги бузоқларнинг ўртача тирик вазни 42,3 кг ни ташкил этган, яъни бир ой давомида уларнинг тирик вазни ўртача 17,8 кг га ошган. Бунда бузоқларнинг ўртача кунлик ўсиши 593 г га тенг бўлган, агар бузоқларнинг тирик вазнининг мутлоқ ўсиши бошларғич тирик вазнига нисбатан солиштирадиган бўлсак бу қурсаткич 72,6 % ни ташкил этади.

17-жадвал

Бузоқларнинг ўсиш суръати

Бузоқларнинг ёши	ТАЖРИБА ГУРУҲИ				НАЗОРАТ ГУРУҲИ			
	Тирик вазни, кг	Мутлоқ ўсиши, кг	Ўртача кунлик ўсиш, г	Нисбий ўсиш, %	Тирик вазни, кг	Мутлоқ ўсиши, кг	Ўртача кунлик ўсиш, г	Нисбий ўсиш, %
Туғилганда	24,5±0,26	-	-	-	24,1±0,28	-	-	-
1-ой	42,3±0,32	17,8±0,15	593±32	72,6	42,4±0,33	18,3±0,16	610±34	75,9
2-ой	61,4±0,41	19,1±0,16	639±39	45,1	61,8±0,43	19,4±0,18	646±36	45,7
3-ой	81,5±0,45	20,1±0,18	670±41	32,7	83,0±0,46	21,2±0,20	706±0,42	34,3
90 кун	81,5	57,0	633	232,6	83,0	58,9	654	244,3

Назорат гурҳида бузоқларнинг тирик вазни 30 кундан сўнг 42,4 кг ни ташкил этди, яъни мутлоқ ўсиш 18,3 кг га тенг бўлиб бузоқларнинг ўртача кунлик ўсиши 610 г ни ташкил этди.

Ушбу маълумотлардан кўришиб турибдики, тажрибанинг 30 кундан сўнг бузоқларнинг мутлоқ ўсиши назорат гуруҳида тажриба гуруҳига нисбатан 0,5 кг га юқори бўлган, бузоқларнинг ўртача кунлик ўсиши ҳисобига 17 г га юқори бўлган.

Бузоқларнинг 60 кундан сўнг тирик вазни тажриба гуруҳида 61,4 га етган, яъни 30 кун давомида яна 19,1 кг га ошган, бунда бузоқларнинг ўртача

кунлик ўсиши 639 г га тенг келмоқда. Ушбу кўрсаткич назорат гуруҳида 61,8 кг бўлиб бузоқларнинг 30 кун давомида тирик вазнининг мутлоқ ўсиши 19,4 кг ни ташкил этган, ўртача кунлик ўсиши ҳисобига 646 г га тенг келмоқда.

Бузоқларнинг тирик вазни тажриба якунида қуйидагича бўлган: тажриба гуруҳида – 81,5 кг, назорат гуруҳида эса 83,0 кг. Бунда 90 кун давомида бузоқларнинг мутлоқ ўсиши тажриба гуруҳида 57,0 кг, назорат гуруҳида эса 58,9 кг. Бузоқларнинг ўртача кунлик ўсиши ҳисобига тажриба гуруҳида 633 г, ва назорат гуруҳида эса 654 г бўлган.

Юқорида қайд этилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, бузоқларнинг тажриба жараёнида ўсиш суръати назорат гуруҳида тажриба гуруҳида нисбатан юқори бўлганлиги қайд этилди. Тажриба якунида назорат гуруҳидаги бузоқларнинг тирик вазни, яъни сунъий сут билан озиқланмаган бузоқларнинг, сунъий сут билан озиқлантирилган бузоқларни тирик вазнига нисбатан 1,5 кг га юқори бўлганлиги аниқланди.

Тажриба жараёнида ёки 90 кун давомида назорат гуруҳидаги бузоқларнинг мутлоқ ўсиши тажриба гуруҳига нисбатан 1,9 кг га юқори бўлганлиги аниқланди. Бузоқларнинг ўртача кунлик ўсиши назорат гуруҳида, яъни сунъий сут билан озиқлантирилмаган бузоқларнинг кунлик ўсиши, сунъий сут билан озиқлантирилган бузоқларга нисбатан 21 г га юқори бўлганлиги қайд этилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, бузоқларнинг ўсиш суръатлари назорат гуруҳида, яъни сунъий сут билан озиқлантирилмаган бузоқларда юқори бўлганлиги аниқланди, бунинг сабабини шундай тушунтириш мумкинки, соф сут ёки сигирларнинг табиий сути бузоқларнинг даслабки кунларидан бошлаб барча тўйимли моддаларга бўлган талабларини қондира оладиган ягона озуқадир.

5.3. Бузоқларни ўстириш учун сарф бўлган харажатлар

Тажрибанинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун биринчи навбатда, икки гуруҳдаги бузоқларни озиқлантиш ва парвариш қилиш ишлари билан боғлиқ бўлган харажатларни аниқлаш керак (18-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотлардан кўриниб турубдики, икки гуруҳдаги бузоқлар учун ҳам беда пичани, мака силоси ва омихта емлар бир хил миқдорда сарфланган.

18-жадвал

**Бузоқларни 3 ойлик ёшгача ўстириш учун
сарф бўлган озуқа харажатлари
(1 бош ҳисобига)**

№	Озуқа тури	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
		Озуқа миқдори, кг	1 кг озуқа нархи, сўм	Жами озуқа нархи, сўм	Озуқа миқдор и, кг	1 кг озуқа нархи, сўм	Жами озуқа нархи, сўм
1	Соф сут	160	800	128 000	390	800	312 000
2	Сунъий сут	250	390	97 500			
3	Беда пичани	28	150	4 200	28	150	4 200
4	Макка силоси	30	100	2 400	30	100	2 400
5	Хашаки лавлаги	21	100	2 100	21	100	2 100
6	Омихта ем	18	400	7 200	18	400	7 200
7	Жами харажат			241 400			327 900
8	Ўртача 1 кунлик харажат			2 682			3 643

3 ой довомида тажриба гуруҳдаги бузоқлар учун бир бош учун 160 кг сут ва 250 сунъий кг сут сарфланган, назорат гуруҳида эса ҳар бир бош бузоқ учун 90 кун довомида 390 кг соф сут сарфланган. Жадвал маълумотларида кўрсатилган озуқалар нархларини ҳисобга олган ҳолда тажриба гуруҳдаги бир бош бузоқ учун 241400 сўм харажатлар сарфланган, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 327900 сўмни ташкил этмоқда. Шунинг таъкидлаш жоизки, тажриба гуруҳдаги ҳар бир бузоқ учун 86500 сўмлик озуқалар назорат гуруҳига нисбатан кам сарфланган. Бунинг сабаби, тажриба гуруҳидаги ҳар бир бузоқ учун назорат гуруҳидаги бузоқларга қараганда 800 сўм нархаги 230 кг соф сут кам берилган, унинг

Ўрнига 390 сўм нарҳда 250 кг сунъий сут сарфланган. Шунинг учун, бунинг ҳисобига тажриба гуруҳида ўртача бир кунлик озуқа харажати 2682 сўмни ташкил этиб, бу назорат гуруҳига нисбатан 961 сўм кам бўлган.

VI. Қўйилган муаммоларни ечишдан кутилаётган иқтисодий

самарадорликни ҳисоблаш, аниқлаш ва асослаш.

Иқтисодий ислоҳотлар даврида ҳозирги ветеринариянинг замон асосий вазифаси чорвачиликка хизмат кўрсатишнинг илғор усуллари ва воситаларини қўллаб чорвачилик тармоғининг иқтисодий рентабеллигини ошириб боришдан иборат.

Ҳар бир қандай изланиш ёки илмий тадқиқотнинг самараси унинг иқтисодий рентабеллигини аниқлаш билан белгиланади. Шунингдек, бизнинг олиб борилган ишимизнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Тажриба натижалари асосида тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаб чиқарилди (19-жадвал).

19-жадвал

Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги

(1 бош ҳисобига)

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Гуруҳлар	
			Тажриба	Назорат
1	Бузоқларнинг тирик вазни	кг	81,5	83,0
2	1 кг тиририк вазнининг нархи	сўм	6 000	6 000
3	1 бош бузоқнинг нархи	сўм	489 000	498 000
4	Озуқа харажатлари	сўм	241 400	327 900
5	Бошқа харажатлар	сўм	65 000	65 000
6	Жами харажатлар	сўм	306 400	392 900
7	1 кг тирик вазнининг таннархи	сўм	3 759	4 733
8	Соф фойда	сўм	182 600	105 100
9	Рентабеллик даражаси	%	59,6	26,7

19-жадвал маълумотларидан кўриб турибдики, тажриба якунида бузоқларнинг ўртача тирик вазни тажриба гуруҳида 81,5 кг ни ташкил этилган бўлса, бу кўрсаткич назорат гуруҳида 83,0 кг га тенг бўлган. Бузоқларнинг 1 кг тирик вазнининг нархини ҳисобга олган ҳолда назорат гуруҳида 1 бош бузоқнинг нархи тажриба гуруҳига нисбатан 9 000 сўм юқори нархланган. Бузоқларни парвариш қилиш учун тажриба гуруҳида 1 бош учун ўртача 306400 сўм сарфланган, назорат гуруҳида эса 392900 сўм, яъни тажриба гуруҳига ҳар бош бузоқ учун 86500 сўмлик харажатлар кам бўлган. Ушбу харажатларни ҳисобга олган ҳолда тажриба гуруҳида бузоқларнинг 1 кг тирик вазнининг тан нархи 3759 сўмни ташкил этган, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 4733 сўмга тенг бўлган, яъни тажриба гуруҳида бузоқларнинг 1 кг тирик вазнининг таннархи назорат гуруҳига нисбатан 974 сўм бўлган.

Тажриба ва назорат гуруҳларда ҳар бир бош бузоқ учун олинган соф фойда куйидагича бўлаган: тажриба гуруҳида – 182600 сўм, назорат гуруҳида – 105100 сўм. Кўриб турибдики, тажриба гуруҳида ҳар бир бош бузоқ учун ўртача 77500 сўм кўп даромад олинган.

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики гуруҳларда бузоқларни парвариш учун сарфланган харажатлар ва олинган даромадларни ҳисобга олиб рентабеллик даражаси тажриба гуруҳида 59,6 %, назорат гуруҳида эса 26,7 % бўлди. Шундай қилиб, рентабеллик даражаси тажриба гуруҳида, яъни бузоқларни озиқлантиришда соф сутнинг бир қисмини сунъий сут билан алмаштирилганда, фақат соф сут билан озиқлантирилган бузоқлар гуруҳига нисбатан 32,9 % га юқори бўлган.

Шуни таъкидлаш жоизки, тажриба гуруҳда рентабеллик даражаси юқори бўлганлигининг сабаби, назорат гуруҳида бузоқларнинг тажриба якунида тирик вазни юқори бўлганлигига қарамасдан, уларни ўстириш учун сут ҳисобига 312000 сўм сарфланган, тажриба гуруҳида эса соф сут ва сунъий сут учун 225000 сўм харажат бўлган ёки 87000 сўм кам сарф

бўлмоқда. Шунинг ҳисобига тажриба гуруҳида рентабеллик даражаси назорат гуруҳига нисбатан анча юқори бўлган.

VII. Ветеринария ишини ташкил этиш

Ўзбекистон Республикаси «Ветеринария тўғрисида»ги қонуннинг 10, 11, 12 ва 13-моддларида таъкитланганидек, хўжаликлар ва ҳосодорлик жамиятларида идоровий ёки ишлаб чиқариш ветеринария хизматижорий этилган бўлиб, тегишли туман ветеринария таркибий қисми ҳисобланади. Хўжаликларда ветеринария хизмати ветеринария врачлари ва ветеринария фелдшери томонидан амалага оширилиб, мазкур хўжалик ишларида фаолият курсатади.

Хўжаликдаги ветеринария мутахассислари қуйидагиларни амалага оширади:

- Хўжалик маъмурий ва бошқа мутахассислари билан ҳамкорликда чорва молларининг туёғини кўпайтириш, маҳсулот ва хомашё ишлаб чиқариш миқдорини ошириш;

Хўжаликда мавжуд ҳайвонларнинг доимий кўриқдан ўтказиш, режалаштирилган профилактик ва ветеринария санитария тадбирларини амалага ошириш, касал молларни аниқлаб ажратиш ва даволаш;

-Хўжаликда Ўзбекистон Республикаси «Ветеринария тўғрисида»ги қонунига риоя қилишни таъминлаш;

- Хўжалик ишлаб чиқариш режаларни бажаришга мувофиқ фаолият кўрсатиш;

- Аҳолини зооантропоонозлардан маҳофаза қилиш.

Хўжалик ва ҳиссадорлик жамиятларда ветеринария мутахассисларининг штатларини белгиланиши:

Жамоада, ширкат ва фермер хўжаликларида ҳамда ҳиссадорлик жамиятларида ветеринария хизмати мазкур хўжаликнинг бош ёки ката ветеринар врачлари томонидан ташкил этилиб, у маъмурий хўжалик масалалари бўйича хўжалик раҳбарига, барча мутахассислик масалалари бўйича эса

туман давлат ветеринария бўлимига бўйсинади. Шунингдек, айрим хўжалик, бошқарма ёки вазирликлар қаромоғида бўлса, мазкур хўжалик бош ёки катта ветеринария врачлари тегишли юқори ташкилот ветеринария мутахассисига ҳам бўйсинади.

Хўжалик ва ҳисодолик жамиятларининг бош ветеринария врачлари барча давлат ветеринария мутахассислари билан келишган ҳолда фаолият кўрсатади.

Хўжаликда хизмат қиладиган бошқа ветеринарии мутахассислари эса ху хўжаликнинг бош ёки катта ветеринар врачига бойсунади.

Хўжаликларда ветеринария хизматининг штат сонини аниқлаш учун бевосита мавжуд молларнинг шартли бош сонлари ҳособлаб чиқилиб, кейин белгиланади.

Ветеринария қонунчилигига асосан, хўжаликларда мавжуд моллар шартли бош сони 800 бошгача бўлса, катта ветеринария врачлари, 800 шартли мол бошидан кўп бўлса, бош ветеринария врачлари жорий этилади. Шунингдек, кейинги 750-800 бол бошига 1-та дан ветеринария врачлари ёки ветеринария фелдшерлик штатлари белгиланади.

Ҳайвонларнинг шартли мол бошига айлантириш учун мазкур хўжаликлар сони нормативлари асосида белгиланган коэффициентларга кўпайтиб аниқланади: масалан: 1 бош сизир – 1 шартли бош; 1 бош буқа – 1 шартли бош; 1 бош ёш қорамол – 0,86; йилқи ва туя – 0,66; чўчқа – 0,16; кўй – 0,1; товуқ – 0,002.

Хўжалик раҳбарлари маҳаллий шароит, эпизоотик ҳавол ва ферма хусусиятини ҳособга олиб, кўшимча штат вериши мумкин.

Наслчилик хўжаликларини учун эса ҳисобланган шартли мол бошини 1,4 коэффициентга кўпайтирилади. 850 эмас, балки 600-610 шартли мол бошига 1 ветеринария штатлари белгиланади.

Човачилик ва паррандачилик ҳиссадорлик жамиятларига эса мавжуд штатлар жадвалидан фойдаланиб, ветеринария мутахассисларининг штатлари белгиланади.

VIII. Мавзуни ўқитиш услуги

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда узлуксиз таълим тизимининг тузулмаси ва мазмунини замонвий илмий фикрлар ютуқлари ва ижтимоий тажрибага таянган ҳолда туб ислохотлари кўзда тутилган. Бунинг учун, аввало, узлуксиз таълим тизимининг барча шаклдаги таълим муассасаларида таълим жараёни сифатини таъминловчи илғор илий-методик жихатдан асосланган услубларни амалга қўллаш лозим. Фан, техника ва илғор технология ютуқларидан фойдаланган ҳолда ёш авлодга таълим ва тарбия беришнинг мақсад, мазмун, услуб ва воситаларини илмий жихатдан таъминлаш педагогика фанининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизми орқали шахснинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишини кўзда тутди. Шахс узлуксиз таълимда ва кадрлар тайёрлашда таълим хизматларининг истеъмолчиси ҳамда ишлаб чиқарувчиси сифатида намоён бўлади.

Республикамизнинг таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагогик кадрларга замонвий педагогик технологияларни ўргатиш, фанларга оид билимларини янада мустаҳкамлаш ва олган билимларини ўқув-тарбия жараёнига қўллай олишга ўргатиш, шунингдек, уларга педагогик маҳорат сирларини очиб беришдан иборат.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар (инновацион педагогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб, таълим самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Замонвий технологиялар қўлланилган машғулотлар талабалар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто ҳулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилаган. педагог бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради.

Бундай ўқув жараёнида талаба асосий фигурга айланади (Ишмуҳаммедов Р. 2004, 2007).

Таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жаарёнида замонвий ўқитиш услублари – *интерфаол* услублар, *инновацион технологиялар*нинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. педагогик технология ва уларнинг таълимда қўлланилишига оид билимлар, тажриба талабарни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновация (инглизча *innovation*) – янгилик киритиш, янгилик демактир.

Инновация технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади.

Интерфаол («inter» - бу ўзаро, «act» - харатат қилмоқ) – ўзаро харакат ёки ким биландир суҳбат, мулоқот тартибида бўлишни англатади.

Ўқитишнинг интерфаол услубиятлари – билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикирлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларни тушуниш ва фикирлаш имкониятига эга бўладилар. нтерфаол дарсларда педагогнинг ўрни қисман талабаларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади (Ишмуҳаммедов Р. 2008).

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тассаввур этиш учун бўлажак дарсни технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқиладиган предмет, фаннинг хусусиятидан, талабаларнинг имконияти ва ихтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузулади. Технологик харитани тузуш осон иш эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика,

психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологиялардан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп услуб ва усулларни билиши керак. Ҳар дарснинг ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузулган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Дарснинг технологик харитасини қай кўриниш ш ёки шаклда тузуш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик харита қандай тузуган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгаланган мақсад, вазифа ва қафоатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик хаританинг тузулиши ўқитувчини дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан ҳалос этади, чунки бундай харитада дарс жараёнининг ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятининг барча қираларини топади.

ТЕХНОЛОГИК ХАРИТА

Мавзу:	Ярлақобов фермер хўжалигида урчитилаётган бузоқларни ўстиришда сунъий сутдан фойдаланиш ва мавзунини ўқитиш услуби.
Мақсад, вазифалар	<p>Мақсад:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Талабаларга бузоқларни озиклантиришда сунъий сутдан фойдаланишнинг аҳамияти ва афзалликларини тушунтириш. <p>Вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Талабаларда мавзуга нисбатан қизиқиш ўйғониш, уларда мавзу асосисда билим ва кўникмаларни шакллантириш ва кенгайтириш. - Мавзуга оид тарқатилган материалларни талабалар томонидан яқка ва гуруҳ ҳалотида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат-мунозара орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш, уларни билимини баҳолаш.

<p>Ўқув жараёнининг мазмуни</p>	<p>Сунъий сут таркиби ва тўйимлилиги, озиклантириш схемалари ва тартиблари, сунъий сут ва соф сут билан озиклантирилган бузоқларнинг ўсиш суръатини ўрганиш, озуқа харажатлари аниқлаш ва тажрибанинг иксисодий самародорлигини ҳисоблаш, тажриба яқунлари бўйича хулоса чиқариш ва таклифлар бериш.</p>
<p>Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси</p>	<p>Услуб: Оғзаки баён қилиш, «ақлий ҳужум» технологияси.</p> <p>Шакл: Сухбат-мунозара, кичик гуруҳ ва жамоада ишлаш.</p> <p>Восита: Тарқатма материаллар: матнлар, расмлар, озуқалар тўйимлилиги, рацион ва тажриба натижалари жадваллари.</p> <p>Усул: Тайёр ёзма материаллар ва чизмалар аосисда.</p> <p>Назрат: Оғзаки назорат, савол жавоблар, кузатиш, «резюме» технологияси.</p> <p>Баҳолаш: Рағбатлантириш, 5 балли тизим асосида баҳолаш.</p>
<p>Кутилаётган натижалар</p>	<p>Ўқитувчи: Мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштиришга эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш ўйғонади. Ўз олдида қўйган мақсадларига эришади. Талаба томонидан ёзма ахборотни мустақил урганиш, уни хотирада сақлаш, бошқаларга етказиш, савол бериш ва саволларга жавоб беришга ўргатади.</p> <p>Талаба: Янги билимларни эгаллайди. Якка ҳолда ва гуруҳ бўлиб</p>

	ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Ўз-ўзини назорат қилишни ўрганади.
Келгуси режалар (таҳлил ўзгаришлар)	<p>Ўқитувчи:</p> <p>Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда тадбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Педагогик маҳоратини ошириш.</p> <p>Талаба:</p> <p>Матн билан мустақил ишлашни ўрганади. Ўз фиркин раво қила олади. Шу мавзу асосида қўшимча материаллар топади, уларни ўрганади.</p>

Ўқитувчи ўқиётган фанининг ҳр бир мавзуси, ҳар бир мавзуси, ҳар бир дарс машғулотни бўйича тузган технологик харитаси, унга фн ёки предметни яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндашишга, тунишга (бир семестр, бир ўқув йили бўйича), яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, мақсадидан тортиб, эришиладиган натижасини кўра олишига ёрдам беради. Айниқса, технологик хаританинг талабанинг ихтиёжидан келиб чиқган ҳолда тузулиши, унинг шахс сифатида таълимнинг марказига олиб чиқишига ва бу билан ўқитишнинг самарадорлигини оширишга имконият беради.

Ўқув жараёнида талабаларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонвий услубларнинг қўлланилиши, талаба мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, маъсулиятни ҳис қилиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларни, шунингдек педагогга нисбатан ҳурматини кучайтиради (Ишмухаммедов Р. 2008,2005, Сайидахмедов Н.,2003, Йўлдошев 2001.).

Талабалар билимини баҳолаш – таълим жараёнининг маълум босқичида, ўқув мақсадларига эришганлик даражасини олдиндан белгилаб қйилган мезонлар асосида белгилаш, ўлчаш, таҳлил қилиш жараёндир.

Мазкур мавзу бўйича тузулган технологик харитамизда талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш учун «резюме» технологияси танлаб олинди.

«РЕЗЮМЕ» ТЕХНОЛОГИЯСИ

Технологиянинг тавсифи:

Мураккаб, кўп тармоқли мумкин қадар муаммоли, мавзуларни ўрганишга қаратилган, бир йўла мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот берилади. Уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан ҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари белгиланади.

Технологиянинг мақсади:

талабаларнинг эркин, мустақил, танқидий фикирлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб таққослаш услуби ёрдамида мавзудан келиб чиқган ҳолда ўқув муаммосини ечимини топишга ҳамда керакли хулоса ёки қарор қабул қилишга ўргатиш.

Маъруза дарсларида, семинар Амалий ва лаборатория машғулотида яқка тартибда ўтказиш, шунингдек, уйга вазифа беришда ҳам қўллаш мумкин. А-3 форматдаги қоғозларда тайёрланган тарқатма материаллар гуруҳларга тарқатилади (илова).

илова

Талабаларнинг билимини назорат қилиш учун «резюме» технологияси бўйича топшириқ бериш учун тарқатма материал

Бузоқларни озиклантириш схемасида			
соф сутнинг бир қисми ўрнига сунъий сутдан фойдаланиш		фақат соф сутдан фойдаланиш	
Афзаллик томонларини баён этинг	Камчилик томонларини баён этинг	Афзаллик томонларини баён этинг	Камчилик томонларини баён этинг
<i>Хулоса:</i>			

Ўқитувчи гуруҳларнинг хулосасини сўраб, улар фикрини аниқлайди, гуруҳлар ўз хулосаси билан таништиради. Гуруҳлар фикридан сўнг гуруҳлар томонидан берилган фикрларга ёки хулосаларга изоҳ беради, ўқитувчи уларни баҳолайди, сўнгра машғулоти яқунлайди.

IX. Экологик муаммоларнинг ёритилиши

ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

Инсон хўжалик фаолиятини оқилона ташкил этиш ва бошқаришда табиат қонунларини билиш, уни ҳисобга олиш ва унга амал қилиш ҳар бир минтақадаги экологик ҳолатининг энг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади ва экология меъёрларида зид фаолиятига йўл қўймаслик учун хизмат қилади.

Бу эса атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тадбирларни режалаштиришда, атроф-муҳитга бўлган инсон таъсирини аниқ меъёрларини белгилашда, ҳудудларни экологик районлаштиришда, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий воситаларини қўллашда, экологик экспертиза ўтказишда, экологик сертификатлаш ва стандартлаштиришда, экологик тоза, чиқиндисиз технологияларни жорий этишда ва бошқа соҳаларда ҳуқуқий механизмларни тадбиқ этиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Фақат табиий экологик тизимини маҳофаза қилиш, атроф-муҳит ҳолати ва сифатини белгилаб қўйилган талаблар даражасида сақлаш, табиий ресурслардан оқилана фойдаланиш шароитдагина Ўзбекистон барқарор ривожланишини, миллий хавфсизликни, аҳоли юқор даражада турмуш кечириши ва саломатлигини таъминлаш мумкин.

Бу жараёни тўғри йўналиштиришда эзга келадиган мураккаб экологик-ҳуқуқий муносабатларни ҳал этишда эса қонунчилик ҳужатларининг аҳамияти жуда катта бўлиб, бу экологик қонунчиликни босқичма-босқич такомиллаштиришдаги йўналтирилган давлат экологик сиёсати билан бевосиат боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида белгилаб берилган.

Бир сўз билан айтганда, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, экологик хавфсизликни таъминлаш муаммоларни

ҳал этиш жараёнига жамиятнинг турли қатламларни кенг жалб этиш орқали экологик назорат тизимини боқичма босқич жорий этиш бўйича самарали ҳуқуқий механизмни шакллантириш ва такомиллаштириш муҳим вазифа ҳисобланади (Ў.Отақулов 2011).

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири - ишчи-хизматчиларнинг, аёллар ва балоғат ёшига етмаган ёшларнинг меҳнат шароитларини яхшилашдан иборатдир. Бугунги кунда республикамиз корхоналарида меҳнат қилаётган аёллар ва ўсмирлар меҳнатини муҳофаза қилишга катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, уларни оғир ва соғлиқ учун зарарли ишлардан озод қилиш, қисқартирилган иш куни ҳуқуқи қонун билан белгилаб қўйилиши, ҳомиладорлик таътили, бола тарбиясига бериладиган таътилнинг уч йилгача узайтирилиши ва бошқа имтиёзлар бунга мисол бўла олади.

Инсон меҳнатини муҳофаза қилиш, бу меҳнат жараёнида унинг хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир жамиятнинг устувор йўналишларидан бири булмоғи лозим. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида» ҳаёт, эркинлик, меҳнат ва шахсий дахлсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳаёт-фаолият хавфсизлиги - бу меҳнат хавфсизлигини чуқур ўрганиш, билиш, ташвиқот қилиш ва одамларни хавф-хатардан ҳимоя қилиш масалалари асосида тарбиялашдир. Бунинг илмий замини эса ишлаб чиқаришда шикастланиш, касбий касалликлар, ёнғин ва ҳалокатлар сабабларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, меҳнат жараёнида қўлланиладиган асбоб-анжомларнинг хавфсизлик ва зарарлилик даражасини ўрганиш, қишлоқ хўжалигида қабул қилинган ёки жорий этишга тавсия этиладиган оғир ҳамда сермеҳнат ишларни механизациялаш ва автоматлаштиришни кўзда тутувчи технологик жараёнларни баҳолашдир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга

қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техника-вий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 21 декабрда 161-1 рақамли Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлади. Республикада меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланган. Ушбу қонун, ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъи назар корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ягона тартибини белгилайди ҳамда фуқароларнинг соғлиги ва меҳнатининг муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.

Ушбу қонун мулк ва хўжалик юритиш шакли турлича булган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан, шу жумладан айрим ёлловчилар билан меҳнат муносабатларида турган барча ишловчилар, кооперативларнинг аъзолари, ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари, хунар-техника билим юртлари ва умумий таълим мактабларининг ўқувчилари, корхоналарда ишлашга жалб этиладиган ҳарбий хизматчилар; муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар; суд ҳукми билан жазони ўтаётган шахслар, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари корхоналарида ёки ҳукмлар ижросини амалга оширувчи идоралар белгилайдиган корхоналарда ишлаш даврида, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб ташкил этиладиган бошқа турдаги меҳнат фаолияти иштирокчиларига нисбатан амал қилади (Қудратов О., Ғаниев Т. 2004).

Х. Хулосалар.

Биз ўтказган тажриба натижалари шуни курсатдики:

1. Бузоқларни 3 ойлик ёшгача схема асосида озиклантиришда соф сутнинг бир қисмини сунъий сут билан алмаштириш бузоқларнинг ўсиш суръати, схема асосида соф сут билан озиклантирилган бузоқларга нисбатан 1,1 кг га кам бўлди.

2. Бузоқларни схема асосида озиклантириб соф сутнинг бир қисмини сунъий сут билан алмаштирилганда, сунъий сутнинг нархи соф сутга нисбатан арзон бўлганлиги ҳисобига 1 кг ўртача тирик вазнининг таннарни 974 сўм арзон бўлди, тажрибанинг рентабеллик даражаси эса 32,9 % юқори бўлганлиги аниқланди.

XI. Ишлаб чиқаришга бериладиган тавсиялар ва таклифлар.

1. Хўжаликларда янги туғилган эркак бузоқларни гўшт ишлаб чиқариш мақсадида схема асосида озиқлантирилиб 1 кг тирик вазнининг таннархини 974 сўмга камайтириш ва парвариш қилинган бузоқларнинг рентабеллик даражасини 32,9 % га ошириш мақсадида уларнинг 20 кунлигидан бошлаб 3 ойлик ёшигача соф суннинг бир қисмини сунъий сут билан алмаштириш тасия этилади.
2. Хўжаликларда насл учун ўстирилаётган бузоқларни озиқлантиришда сунъий сутдан фойдаланиш тавсия этилмайди.

ХП. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1 Каримов И.А. Чорвачиликни ривожлантириш буйича президент қарори. Халқ сўзи газетаси, 2008 йил 22 апрел.
- 2 Абдурахмонов Т.Б, Давлатов Р.Б. Ветеринария ишини ташкил этиг ва унинг иқтисоди. Самарқанд . 2004 й.
- 3 Ишмухаммедов Р. Болаларни тарбиялаш ва соғлаштириш ишларида педагогик технология. Тошкент УДАП, 2004 й.
- 4 Ишмухаммедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Тошкент, Низомий номидаги ТДПУ, 2005 й.
- 5 Ишмухаммедов Р., Абдуқодирова А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент 2008 й.
- 6 Йўлдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Педагогик технологиялар асослари. Тошкент, 2001 й.
- 7 Калашников А.П. ва бошқ. Чорвачиликда озиқ нормалари ва рационлари. Тошкент, Меҳнат 1988 й.
- 8 Карибаев К. Рекомендации по приготовлению и использованию ЗЦМ для телят на основе соевой муки. Ташкент, 1987 г.
- 9 Ли Виталий Выращивание молодняка в молочный период. Журнал «Животноводство России», www.agrojour.ru
- 10 Отакулов Ў. Экологик назоратнинг асосий мазмуни ва йўналишларини белгилаб берувчи қонун. Ж.Зооветеринария. № 4, 2011. –Б. 2-3.
- 11 Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Тошкент: Молия, 2003 й.
- 12 Турсунов И. Бузоқларни соғлом парваришлаймиз. Ж. Зооветеринария, №12, 2008 й.
- 13 Хамрақулов Р., Карибаев К. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озуклантириш. Тошкент 1999 й.
- 14 Qudratov O., G'aniev T. Nayotiy faoliyat xavfsizligi T., “Mehnat” 2004.
- 15 www.molockko.ru Продукты ЗЦМ для выращивания молядника в мясомолочном скотоводстве.
- 16 www.mologa.ru/premium Наши заменители цельного молока.
- 17 www.mologa.ru/zcm Заменители Цельного Молока: зачем они нужны?
- 18 www.molprodukt.ru ЗЦМ – необходимость при выращивании молодняка.

- 19 www.parnas-zcm.ru Парнас – ЗЦМ.
- 20 www.prodact&zcm.ru Промышленное скотоводство, планы и перспективы.
- 21 www.rossmoll.ru Современные технологии в молочном животноводстве.
- 22 www.rost-mol.ru Заменители цельного молока. Неотъемлемая часть в промышленном животноводстве.
- 23 www.veles-ltd.ru Спрейфо Ред 15 % заменитель цельного молока.
- 24 www.vostok&prodact.ru Жизненная сила для телят.
- 25 www.cherkiz-ltd.ru Продукты для зравохранения продуктивных животных.